

"ТАСДИҚЛАНДИ"

Буюртмачи номи:

Қуйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги

НС ва ЭВ бошлиғи

Д.Абдуллаев

" 21/09 " 2022 йил

Қуйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси ҳисобидаги 2 дона
1250 кВт 500 об/мин электродвигател статори ва 1 дона роторни мукамал таъмирлаш.

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Қуйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси ҳисобидаги 2 дона 1250 кВт 500 об/мин электродвигател статори ва 1 дона роторни мукамал таъмирлаш
2	Буюртмачи	Қуйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси
3	Объектнинг жойлашган манзили	Ховос туманидаги "Нурафшон" насос станцияда
4	Қатнашувчиларга қуйилган талаб	1.Ишларни (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган техник машина ва механизмлар билан таъминланганлиги ҳамда доимий ишловчи мутахассисларнинг мавжудлиги ва уларнинг касбий тажрибаси (сўнги 3 йиллик иш стажини) тўғрисида маълумот. 2.Танловда иштирок этадиган корхонанинг солиқ, банк ва мажбурий тўловлардан танлаш ўтказилаётган давр ҳолатига қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот. 3.Электроқурилмалар (трансформатор, электродвигател, насослар ва бошқалар) ни мукамал таъмирлаш ишлари бўйича камида 3 йиллик тажрибага эга бўлишлари. 4.Виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестрида улар ҳақида ёзувнинг йуқлиги тугрисида маълумотнома. 5.Лицензия, гувоҳнома ва ташкилот низомини. Низомда айнан ушбу хизмат турининг фаолиятига рухсат берилганилиги тугрисидаги маълумот.
5	Молиялаштириш манбаси. Бажарилган ишларни ҳисоб-китоби	Молиялаштириш манбаси Маҳаллий бюджет. Бажарилган ишлар далолатномасига асосан якуний ҳисоб-китоблар амалга оширилади.
6	Алоҳида талаблар	Ишни ўз вақтида сифатли бажариш , бажарилган ишларга эксплуатация вақтида 6-ой мабойнида кафолат муддатини бериш.
7	Иштирокчиларнинг танлов ҳужжатларига тушунтиришлар бериш учун ариза бериш муддати	Таклифларни топшириш муддати тугашидан 2 кун олдин.
8	Танловнинг утказилиши ва баҳоланиши	Онлайн
9	Ишларни бажариш (етказиб бериш) муддати	60 кун
10	Фойдаланиладиган валюта	Ўзбек Сўми
11	Ҳужжатларни Расмийлаштириш тили	Ўзбек ва Рус тиллари

БАРЧА ҚУРИЛИШ ВА ТАЪМИРЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!!!

Куйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялар ва энергетика бошқармаси
(Буюртмачи ташкилот номи)

Объект номи: Куйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси ҳисобидаги 2 дона 1250 кВт 500 об/мин электродвигател статори ва 1 дона роторни мукамал таъмирлаш.

Объекти буйича

Объектнинг бошланғич нархи- **237 945 105** сўм (ҚҚС билан.)
Ушбу кийматдан ортиқ кийматдаги таклифлар қабул қилинмайди.
Ишларни тугаллаш муддати- **60** календар кун.

Буюртмачи: Куйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялар ва энергетика бошқармаси.
Манзил (Сирдарё вил. Гулистон. шах А.Темур кўч. 53 уй). Тел. 67-227-37-85.

Молиялаштириш манбаси: Маҳаллий Бюджет маблағлари ҳисобидан.

Молиялаштириш шартлари (агар ТАЖДа бошқа ҳолат айтилмаган бўлса): бўнак (аванс) – бажарилган ишлар кийматининг 30 фоизи миқдориди; жорий молиялаштириш ажратилган бўнак, қолган 70 фоизи- бажарилган ишлар тугрисидаги далолатномага асосан ишлар туллиқ бажарилгандан сунг туланади.

Агар ТАЖДа бошқача кўзда тутилмаган бўлса, пудрат шартномасининг валюта тури - **ўзбек сўмида.**

- Танлов иштирокчилари куйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
- Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танловда қатнашганда, танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий танлов иштирокчиларга куйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:
- Таклифларни баҳолашда иштирокчиларининг танлов таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган киймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган киймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
- Танлов иштирокчилари танловда қатнашиш тўғрисидаги таклифларини **etender.uzex.uz** портали орқали энг яхши таклифларни танлаш учун эълон берилган кундан бошлаб энг яхши таклифларни танлаш учун берилган эълоннинг тугаш муддати етгунига қадар факат онлайн қурилишида беришлари мумкин.
- Тасдиқланган танлов ҳужжатлари буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари буйича **Etender.uzex.uz** махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин

Эълон 2022 йил "21" сентябр куни **Etender.uzex.uz** сайтида берилган

Куйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялари
ва энергетика бошқармаси бошлиғи:




Д.Абдуллаев

ТАНЛОВДА ИШТИРОҚ ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Куйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялар ва энергетика бошқармаси номидан танловда иштироқчиларини таклиф этамиз ва куйидаги объект бўйича танлов таклифини тақдим этилишини сўраймиз.

Объект номи: Куйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси ҳисобидаги 2 дона 1250 кВт 500 об/мин электродвигател статори ва 1 дона роторни муқаммал таъмирлаш.

Объектнинг бошланғич нархи- 237 945 105 сўм (ҚҚС билан.)
Ушбу кийматдан ортиқ кийматдаги таклифлар қабул қилинмайди.
Ишларни тугаллаш муддати- 60 календар кун.

Буюртмачи: **Куйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялар ва энергетика бошқармаси.**
Манзил (Сирдарё вилояти. Гулистон. Шах. А.Темур кўч. 53 уй). Тел. 67-227-37-85.

Молиялаштириш манбаси: Маҳаллий Бюджет маблағлари ҳисобидан.

Таклиф этилган шартлар бўйича танловда мурожат билан маҳаллий ва хорижий қурилиш ва таъмирлаш ташкилотлари иштироқ этишлари мумкин.

Танловда иштироқ этиши учун иштироқчиларга куйидаги талаблар куйилади:

фукаролик-муомала лаёқатланган ва шартнома тузиш ваколатига эга;

доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига (мутахассислар)га эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;

танлов объектига ўхшаш объектларга ишлаганлик тажрибаси камида 3 йилга мавжудлиги;

бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;

Агар танлов предмети бўлган иш (хизмат)ларни бажариш билан боғлиқ фаолият конун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур бўлса, танловда иштироқ этиш учун белгиланган тартибга асосан тегишли лицензияга эга бўлган танлов иштироқчиларга рухсат этилади.

Куйидаги танлов иштироқчиларига танлов жараёнларида иштироқ этишга рухсат берилмайди:

Кайта ташкил этилиш (бўлиниш, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштироқ, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар, инсофсиз етказиб берувчилар реестрида турувчилар.

Ҳар бир объект курилишда ишлатиладиган машина ва механизмлар рўйхати тўлиқ илова қилиниши керак.

Ҳар бир объект бўйича танловга эълон берган вақтда ишчилар сони ва инженер техник ходимлар сонини тўлиқ кўрсатилиши керак. Меҳнат дафтарчалари ва буйруқ ҳар бир ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўлиши керак.

Агарда комиссия томонидан текширишда ёки баҳоланганда нотўғри маълумот берилса танлов ҳужжатлари электрон кўрилмасдан қайтариб берилади ва чиқариб юборилади.

Танлов таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар танлов иштироқчилари учун йўриқномада ақс эттирилган.

Танлов иштироқчилари танлашда иштирок этиш учун тақдим этилган барча ҳужжатларнинг тўғрилигига ўзи жавобгар ҳисобланади.

Танлов иштироқчилари танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш мақсадида танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳанинг график қисми (чизмалари)ни тақдим этилиши ҳақида танлов ташкилотчисига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Таклифларни топшириш танлов иштироқчининг танлов ҳужжатларига кўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

**Куйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялар
ва энергетика бошқармаси бошлиғи:**



Д.Абдуллаев